

Маълумотларим

Муассаса  
malumotlari

Шахсий кабинет

Ўқилган  
китоблар

Қарзларим

Махсус буюртма

Виртуал  
қабулхона

2	<input checked="" type="checkbox"/>	26	<p><b>Miallif:</b> Ш. Рузиев, <b>Hammualiflar:</b> : михратир У. Ф. Каримов.</p> <p>Виртуал тренажёр [] :ўқув қўлланма- Тошкент: Чўлпон, 2017.</p> <p><b>Аннотация:</b> Виртуал тренажёр ARMAT++ дастурининг АИЎ асосий функцияларини ўргатишга мўлжалланган.</p> <p><b>Тўлиқ матн:</b> Topilamadi</p> <p>3 tasi Асосий фонд.</p> <p>2/3 bor: Buyurtma berilgan!</p>	Бор	2017-06-03	vaqti uzaytirilmagan	<input type="radio"/>
---	-------------------------------------	----	--	-----	------------	-------------------------	-----------------------

🔍 Topshirish vaqtini uzgartirish
📄 Elektron nusxasiga buyurtma

11-расм. Электрон нусхага буюртма бериш.

Натижада фойдаланувчининг АИЎдаги “Электрон нусхага буюртма” бўлимида фойдаланувчининг талабига кўра электрон шаклга ўтказилиши керак бўлган китобнинг тавсифи пайдо бўлади. Фойдаланувчи дастлаб бу ерда сўровнинг бажарилмаганлигини кўrsa, кейинчалик сўров асосида китоб электрон шаклга ўтказилгач бу тўғрисида ахборот олиши мумкин.

Фойдаланувчининг ўзига керакли адабиётни электрон шаклга ўтказилиши тўғрисидаги сўрови тизим каталоглаштирувчисининг АИЎга жўнатилади. Каталоглаштирувчининг АИЎда сўров қабул қилинади ва сўралаётган китобнинг электрон шакли тавсифга боғланганда фойдаланувчининг АИЎга бу тўғрисида маълумот жўнатилади. Каталоглаштирувчининг АИЎдаги “Электрон нусхага буюртма” бўлимида фойдаланувчиларнинг талабига кўра электрон шаклга ўтказилган адабиётлар рўйхати пайдо бўлади.

### Хулосалар

Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими тақибда интерактив хизматларнинг пайдо бўлиши фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона фондидан фойдаланишда куйидаги қулайликларни яратади:

1. Ахборот кутубхона муассасаси фаолияти билан боғлиқ турли саволларга тезкорликда жавоб олиш. Бунинг учун фойдаланувчи бевосита кутубхонага бориши шарт эмас. Савол жавобларни қўл телефони ва плпншетлар орқали амалга ошириш мумкин.
2. Зарур бўлганда кутубхонадан олинган китобларни қайтариш муддатини масофадан туриб узайтириш ҳам фойдаланувчиларнинг вақтини тежайди.
3. Фойдаланувчиларни сўровларига кўра ахборот-кутубхона фондини электрон шаклга ўтказилиши электрон кутубхона фондини самарали шакллантиришга имконият яратилади. Буларнинг барчаси фойдаланувчилар эҳтиёжларини тўлиқ ва тезкорлик билан қондиришга олиб келади. Оқибатда фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти юксалади.

## ИЛМИЙ-ТАЪЛИМИЙ ТАРМОҚЛАРДА АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ Ш.Норматов

*Ушбу мақоланинг мақсади мазкур мавзуга доир мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш ҳамда фан ва таълимга оид ахборот кутубхона тармоқларида маълумотларни ҳимоялашнинг таъшикий ва техник вазифалари аниқлашдан иборатдир.*

**Калим сўзлар:** электрон кутубхоналар, маълумотлар хавфсизлиги, ахборот ресурслари ҳимояси.

## ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ ЗАЩИТЫ ИНФОРМАЦИОННЫХ РЕСУРСОВ НАУЧНО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ СЕТЯХ

Ш.Норматов

*Цель данной статьи – анализ состояния развития методов и задач защиты информационных ресурсов научно-образовательных сетей и определить организационные и технические аспекты.*

*Ключевые слова:* электронные библиотеки, информационная безопасность, защита информационных ресурсов.

## MAIN OBJECTIVES PROTECTION INFORMATION RESOURCES IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL NETWORKS

Sh. Normatov

*The purpose of this article is to analyze the literature on this topic and determine the organizational and technical objectives of protecting information in the scientific and educational information and library networks.*

*Key words:* electronic libraries, information security, information resources protection.

**Кириш.** Маълумки, кутубхоналар инсониятнинг минг йиллар давомида ривожланиб келаётган урф-одатлари, маданий меърослари, ижод ва фаннинг турли соҳаларига оид ахборотларни сақлаш орқали келажак авлодга етказишда ҳамда давлат ва жамиятнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Компьютер технологияларининг ривожланиб бориши кўпгина соҳалар каби кутубхона жараёнларини ҳам автоматлаштиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Натижада бир қанча қулай имкониятларни тақдим этувчи автоматлаштирилган кутубхона тизимлари яратилди ва яратилмоқда. Бундай кутубхоналар ахборот ресурсларига масофадан туриб мурожаат қилиш мумкинлиги, қидириб топиш тезлигининг кескин ошиши, вақт ва макон чегараларининг йўқлиги эвазига фойдаланувчиларга уларнинг географик жойлашувидан қатъий назар, онлайн ўқиш ва изланиш имкониятларини яратди. Аммо барча қулайликларга осонгина эришиб бўлмаганидек, электрон кутубхоналарнинг яратилиши ҳам кутубхона ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш муаммосини келтириб чиқарди.

**Асосий қисм.** Баъзи ҳолларда электрон кутубхоналарнинг барча ресурслари ҳам текин бўлмай, ахборот электрон кутубхона фойдаланувчиларига маълум қийматдаги тўлов эвазига тақдим этилади. Бундай ресурсларни рухсатсиз фойдаланишлардан ҳимоялаш, яъни унинг *конфиденциаллигини* таъминлаш зарурдир. Агар ахборот ресурси бепул бўлган тақдирда ҳам унинг *бутунлигини* таъминлаш керак бўлади. Бундан ташқари баъзи контентлар барча фойдаланувчилар учун эмас, балки маълум фойдаланувчилар гуруҳи учун мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин.

Электрон кутубхоналар ўз фойдаланувчиларига уйларида чикмасдан туриб, онлайн ўқиш ва изланиш мумкинлиги эвазига қачонлардир анъанавий кутубхоналардан олиш қийин бўлган глобал ахборотга кириш имкониятини яратди [2].

Электрон кутубхоналарнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг долзарблиги олимлар томонидан бир қадар ўрганилган.

Эндай ва Ҳуудерман кенг глобал тармоқдаги ахборотлар оқимининг жадаллашуви улкан имкониятлар билан бир қаторда, ахборотларни сақлаш ва уларнинг *конфиденциаллигини* таъминлаш каби жиддий муаммоларни келтириб чиқарганлигини ва ахборот ресурсларининг бутунлигини ва улардан *фойдалана олишликни* таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этишини

таъкидлайдилар [1]. Шунингдек, ахборотларнинг конфиденциаллигини таъминлашни долзарб масала сифатида қараш мумкин.

Исмаил, Р. ва Заинаб, А. ўз ишларида электрон кутубхоналар билан ишлайдиган турли фойдаланувчилар – субъектларнинг кўплиги боис хавфсизликка ҳам қатор талаблар қўйилишини, ушбу субъектларнинг ҳар бири турли хавфсизлик эҳтиёжларига эга эканлигини келтиришган [3].

Ахборот-кутубхона тизимлари хавфсизлигини таъминлаш масаласи аввало кутубхона объектлари ва уларга нисбатан таҳдидларни таҳлил қилиш ва таснифлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ф.М.Николаевна ва И.Э.Михайлович ўз мақоласида кутубхона тизимлари *маълумотлар базаси, веб-сайтлар, қурилмалар* ва маъмурлар томонидан бошқарилувчи *дастурий таъминотлар* каби умумий активларни ўз ичига олишини кўрсатиб ўтади [4].

Кузма эса ўз мақоласида кутубхона тизимларига бўладиган таҳдидларни таснифлаб, айрим кутубхоналарга уюштирилган ҳужумларни келтириб ўтади. 2002 йилнинг ёзида ва 2004 йилнинг май ойида АҚШнинг Индиана Университетида хакерларнинг ҳужуми оқибатида иккита хавфсизлик қоидаларининг бузулиши кузатилган. Натижада янги ҳимоя воситаларини қўшиб тизимни тиклаш ва модернизациялаш учун кўп вақт ва куч сарф этилган [5].

Мёнго ўз ишида кутубхоналар ҳимоясининг физик воситаларига эътибор қаратиб, кулфлар ва огоҳлантирувчи қурилмалар, кузатув камералари, RFID технологияларнинг қўлланилишини келтириб ўтган [6].

З. В. Родионова ва Л. К. Бобровлар ўз ишларида кутубхона электрон ҳужжат айланиш тизимлари, электрон тўлов тизимлари ҳамда кутубхона ходимлари ва фойдаланувчиларининг шахсий маълумотлари хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблиги ҳақида гапирадилар [7].

Балашнинг таъкидлашича, турли соҳалар билан қиёслаганда кутубхона маъмурларида бошқалардан фарқ қилувчи муаммо мавжуд. Улар ходимлар, шунингдек кутубхоналарда компьютерлардан фойдаланувчилар ва уларнинг веб сайтларига ташриф буюрувчилар каби кенг жамоатчилик учун хавфсиз тизимни таъминлаши шарт [8]. У кутубхоначилар тизими тармоқни ва янги технологияларни бошқаришга кўпинча тайёр бўлмаслиги ва улар хавфсизлик мавзусида кўпроқ хабардор бўлишлари кераклигини тавсия этади. Кутубхоначилар ўзларининг хусусий тизими ҳимоясига қўшимча равишда онлайн хизматлар мижозларнинг ҳаётий дахлсизлиги ва шахсий ахборотларини хавф остига қўймаслигига ишонтириш эҳтиёт чораларини кўришлари керак.

Бридинг кўрсатадики, кутубхоначилар онлайн электрон тижорат транзакциялари билан персоналлашган хизматларни йўлга қўяди ҳамда шахсий маълумотлар ва пул айрибошлаш имкониятини ўз ичига олган аккаунтларни яратади. Шунинг учун ҳам технологиялар ҳимоясини таъминлаш муҳимдир [9].

Кўпгина кутубхона хизматларидан фойдаланишга рухсат олиш учун ташриф буюрувчилар ўзларининг манзил ёки телефон рақами каби шахсий маълумотлари билан қайд ёзувларини яратишлари керак. Кутубхоналар кредит карта рақамлари билан тўловларни амалга ошириш икониятларини ўзида мужассам этишлари лозим. Томпсоннинг тасдиқлашича, баъзи хусусий кутубхона маълумотлар базасининг обуна бўлиш нархи қимматлиги сабабли бу ресурслар хакерларнинг алоҳида қизишини уйғотиши мумкин [10].

Мамлакатимизда олий, ўрта махсус ва халқ таълими муассасаларида китоб ва китобхонларни рўйхатга олиш, китобларни китобхонга бериш ва қайтариб олиш, ахборот ресурс марказларида китобхонларни ишончли аутентификация қилиш, рухсат этилган маълумотларнинг фойдаланувчанлигини таъминлаш, конфеденциал ресурсларни рухсат

этилмаган фойдаланишлардан ҳимоялаш ва маълумотларнинг ишончилигини таъминлашга қаратилган дастурий-аппарат воситаларнинг мавжуд эмаслигини ва бу йўналишда сезиларли даражадаги илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилмаганлиги сабабли, ахборот кутубхона тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор вазифаларни амалга ошириш тақозо эталади.

Ҳозирги вақтда электрон кутубхоналар кўплаб имкониятларни тақдим этмоқда ва унинг фойдаланувчилари сони ҳам шунга монанд кўпаймоқда. Кутубхоналар хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳар бир фойдаланувчи ҳақидаги қайси мазмундаги адабиётлардан фойдаланиши, кидирув тизимига кўпроқ қандай сўровларни бериши каби статистик маълумотларни шакллантириб боради. Аммо ушбу маълумотларга шахсий маълумотлар сифатида қараш мумкин бўлиб, унинг кимдир томонидан назорат қилиниши фойдаланувчининг ахборот борасидаги эркинлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса кутубхона фойдаланувчиларининг шахсий, шу жумладан, ресурслардан фойдаланиши борасидаги статистик маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги муҳим масалаларни келтириб чиқаради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, кутубхона ахборот ресурслари ҳимоясини таъминлашнинг қуйидаги асосий ташкилий ва техник вазифаларини кўрсатиш мумкин:

*Ташкилий масалалар:*

- ✓ Меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги;
- ✓ Ахборот хавфсизлиги сиёсатининг юритилиши;
- ✓ Кадрлар масаласи ва бошқалар;

*Техник масалалар:*

- ✓ Ахборот ресурсларининг бутунлиги, конфиденциаллиги ва фойдаланувчанлигини таъминлаш;
- ✓ Кутубхона ходимлари ва фойдаланувчиларнинг шахсий ва статистик маълумотларини ҳимоялаш;
- ✓ Маълумотлар базаси, қурилмалар ва дастурий таъминот хавфсизлигини таъминлаш.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳар қандай ахборот тизимининг хавфсизлигини таъминлаш комплекс характерга эга бўлиб, тизимларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб усул ва воситаларни тўғри танлаш ҳамда хавфсизлик сиёсатини юритиш муҳим аҳамиятга эга.

### **Хулоса**

Кутубхона тизимлари хавфсизлигини самарали таъминлашда ҳар бир масала учун вазифаларни аниқлаб олиш зарур. Ушбу вазифалар икки қатта қисмга ажратилди. Ташкилий вазифалар бошқарув даражасида кўриб чиқилади ва уларнинг қай даражада ҳал этилиши тизим хавфсизлиги самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Техник вазифалар конфиденциаллик, бутунлик ва фойдаланувчанликни таъминлашга қаратилган барча физик, дастурий, аппарат ва криптографик воситаларни қўллаш орқали ҳал этилиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Audrey ANDAY, Enrico FRANCESE, Hugo C. HUURDEMAN. Information Security Issues in a Digital Library Environment: A Literature Review., BİLGİ DUNYASI, 2012, 13 (1) 117-137. Permanent link to this document: <http://bd.org.tr/index.php/bd/article/download/53/49>
2. Joanne Kuzma, (2010), "European digital libraries: web security vulnerabilities", Library Hi Tech, Vol. 28 Iss 3 pp. 402 – 413. Permanent link to this document: <http://emeraldinsight.com/doi/full/10.1108/07378831011076657>
3. Ismail, R. and Zainab, A. N. Information systems security in special and public libraries: an assessment of status. Malaysian Journal of Library & Information Science, 2011, vol. 16, n. 2, pp. 45-62. Permanent link to this document: <http://eprints.rclis.org/18216/>

4. Ф.М.Николаевна, И.Э.Михайлович Обеспечение информационной безопасности электронной библиотеки. КОНТЕНТУС . 2016 6(42): <http://elibrary.ru/item.asp?id=27179429>

5. Joanne Kuzma, (2010), "European digital libraries: web security vulnerabilities", Library Hi Tech, Vol. 28 Iss 3 pp. 402 – 413. Permanent link to this document: [www.emeraldinsight.com/0737-8831.htm](http://www.emeraldinsight.com/0737-8831.htm)

6. Myongho Yi (2011) Balanced Security Controls for 21st Century Libraries, Library & Archival Security, 24:1, 39-45. To link to this article: <http://dx.doi.org/10.1080/01960075.2011.563132>

7. Z. V. Rodionova and L. K. Bobrov. Protection of the Information Resources of a Library Based on Analysis of Business Processes. Scientific and Technical Information Processing, 2016, Vol. 43, No. 1, pp. 20–27.

8. Balas, J. (2005), “Close the gates, lock the windows, bolt the doors: securing library computers”, Computers in Libraries, Vol. 25 No. 3, pp. 28-30.

9. Breeding, M. (2005), “Building trust through secure web sites”, Computers in Libraries, Vol. 25 No. 6, pp. 24-6

10. Thompson, S. (2006), “Helping the hacker? Library information, security and social engineering”, Information Technology and Libraries, Vol. 25 No. 4, pp. 222-5.